

## Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаси

27 -сон

Тошкент шаҳри

2022 йил “23” ноябрь

Ёшлар ишлари агентлиги (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи, ижро этувчи директори А.Саъдуллаев бир томондан ва “Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси (қуйида матнда “Ижрочи” деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи, директори Х.Саттаров иккинчи томондан, **Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш, ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳасини** (кейинги ўринларда – Лойиҳа деб юритилади) амалга ошириш хизмати юзасидан ишларни бажаришга доир мазкур шартномани тузиб имзоладилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. “Ижрочи” мазкур шартноманинг 1-2-иловаларида кўрсатилган лойиҳалар рўйхатига мувофиқ хизматларни кўрсатиш (ишларни бажариш) мажбуриятларини ўз зиммасига олади.

“Буюртмачи” эса хизматларни қабул қилиб олиш ва бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Шартноманинг умумий қиймати (*Танлов комиссиясининг 2022 йил 18 ноябрдаги электрон баённомасига асосан*) 832 000 000 (саккиз юз ўттиз икки миллион) сўмни ташкил этади (ҚҚСсиз).

### 2. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

2.1. “Буюртмачи” “Ижрочи”га:

шартнома бўйича лойиҳа қийматининг 30 фоизи 249 600 000 (икки юз қирқ тўққиз миллион олти юз минг) сўм миқдоридан маблағни олдиндан ўтказиб беради;

шартноманинг 1-илоvasи бўйича ишлар бажарилгандан сўнг лойиҳа қийматининг қолган 70 фоизи 582 400 000 (беш юз саксон икки миллион тўрт юз минг) сўми томонлар тасдиқлаган ҳисоб фактура ва бажарилган ишлар далолатномасига асосан 10 (ўн) иш кун ичида тўланади.

2.2. Тўлов “Буюртмачи” томонидан Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

### 3. Ишларни бажариш муддати

3.1. “Ижрочи” ишларни дастлабки аванс тўлови амалга оширилган кундан бошлаб 2022 йил 15 декабрга қадар амалга оширади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича хизматларни бажариш муддати, ишлар бошланган кундан бошлаб мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ амалга оширилади.

### 4. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

4.1. Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигидан рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

4.2. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабргача.

### 5. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

5.1. “Ижрочи”нинг ҳуқуқлари:

5.1.1. Шартнома ҳақини тўлашни талаб қилиш.

5.1.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш.

5.1.3. Лойиҳага оид таклифлар бериш ва “Буюртмачи”дан якуний қарорларни талаб қилиш.

5.1.4. Барча иш ва хизматлар доирасида юзага келадиган мажбуриятларни ўз кучи ва/ёки

ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, аутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда амалга ошириш.

## **5.2. “Ижрочи”нинг мажбуриятлари:**

5.2.1. Ижрочи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради.

5.2.2. Мазкур шартноманинг иловасида кўзда тутилган иш ҳажмларини ўз вақтида тўлиқ ва сифатли қилиб бажариши ҳамда бажарилган ишларни ҳисоб-фактурасида кўрсатиши лозим.

5.2.3. Шартнома билан тасдиқланган 1-иловага мувофиқ хизматларни белгиланган вақтда тўлиқ ва сифатли топширади.

5.2.4. Барча ишларни мазкур шартномада ва унинг 1-илоvasида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилиб белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади.

5.2.5. “Буюртмачи”нинг талабига мувофиқ бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасини “Буюртмачи”га тақдим қилади.

5.2.6. Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларнинг барчасини бажаришни ўз зиммасига олади.

5.2.7. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи ва/ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда бажарилиши юзасидан “Буюртмачи” олдида мулкый жавобгар ҳисобланади.

5.2.8. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ёки бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

5.2.9. Ижрочи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини ўз кучи ёки ташқи манбадан ресурс (мутахассис, техника, оутсорсинг ва ҳ.к) жалб қилган ҳолда бажаради.

## **5.3. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:**

5.3.1. Хизматлар кўрсатилиши ва ишлар бажарилиши устидан мазкур шартномада қайд этилган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

5.3.2. Шартнома шартларига тўлиқ риоя этишни талаб қилиш;

5.3.3. Шартномада кўрсатилган муддатда лойиҳани топширишни талаб қилиш.

## **5.4. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:**

5.4.1. Шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда шартноманинг иловасида назарда тутилган ишларни қабул қилиб олиш ва бажарганлик учун “Ижрочи”га ҳақ тўлаш;

5.4.2. Лойиҳадаги хато ва камчиликларни улар вужудга келган пайтдан ўн кун ичида “Ижрочи”га ёзма равишда маълум қилиш;

## **6. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

6.1. Бажарилган ишларни топшириш ва қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътирози бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишнинг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

6.2. Агар ишларни бажариш жараёнида, кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлиб қолса, томонлар 5 кун мобайнида бир-бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳақида хабардор қилишлари шарт ва 10 кун мобайнида ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналлишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган ҳолларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган мажбуриятлар юклатилади.

6.3. Ўзаро ҳисоб-китоблар қилишнинг муддати келганлиги, томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳақидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

6.4. Бажарилган ишлар (босқичлар)да асосли камчилик ва нуқсонлар аниқланганда “Ижрочи” уларни беғараз бартараф этади.

## **7. Лойиҳа бўйича муаллифлик ҳуқуқлари**

7.1. Мазкур шартнома бўйича иш жараёнида ҳосил бўлган лойиҳанинг муаллифлик ҳуқуқи ва ҳуқуқий муҳофазаси билан боғлиқ барча масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

7.2. “Ижрочи”нинг хизмат кўрсатиш белгиси мижознинг веб-сайтида жойлаштирилади.

## **8. Тарафларнинг жавобгарлиги**

8.1. “Буюртмачи” лойиҳани қабул қилиб олган кундан бошлаб 10 (ўн) календар куни мобайнида лойиҳадаги хатоликлар мавжудлигини текшириб чиқиши ва камчилик ёки хатолик топилган тақдирда “Ижрочи”га хабар бериши лозим.

8.2. “Ижрочи” лойиҳадаги аниқланган хатоликларни ўз ҳисобидан 10 (ўн) иш куни мобайнида бартараф этиши шарт.

8.3. Мазкур шартнома бўйича ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, “Буюртмачи” томонидан берилган маблағни ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Ижрочи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.4. “Ижрочи” лойиҳани ўз вақтида топшириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди.

8.5. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун “Ижрочи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди. Пеня тўлаш “Ижрочи”ни ишларни бажаришнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

8.6. Агар бажарилган ишлар ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ бўлмаса, “Буюртмачи” “Ижрочи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 15 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

8.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

8.8. Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

## **9. Бартараф этиб бўлмайдиган куч ҳолати (форс-мажор)**

9.1. Агар томонлар мажбуриятни қисман ёки тўла ижро этмай қолиши табиий ходисалар, ҳарбий ҳаракатлар ва бошқа бартараф этиб бўлмайдиган бошқа кучлар сабабли содир бўлган бўлса, ҳамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар.

9.2. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият келтириб чиқарган оқибат ҳукм сурган вақтга мос равишда орқага сурилади.

9.3. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортиқ вақтга чўзиладиган бўлса, “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки номаълум вақтга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни муҳокама қиладилар. Агар томонлар икки ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг ҳар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **10. Низоларни ҳал этиш тартиби**

10.1. Шартнома тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор қилиш, шунингдек, келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган баҳслар ўзаро муҳокама қилиниб келишувга эришиш имконияти бўлмаган тақдирда, қонунчиликда белгиланган тартибда Тошкент

шаҳар туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

## **11. Коррупцияга қарши шарт**

### **11.1. Томонлар:**

Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартномада бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки коррупция характериға эға бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишға бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатсизликларни содир этмайдилар;

Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилиға хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасиға қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашға қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

11.2. Томонлар ушбу Шартноманинг 11.1-бандидаги талабларни бузиб содир этганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзаға келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасиға олади.

## **12. Шартномани ўзгартириш ва унга қўшимчалар киритиш ҳамда бекор қилиш тартиби**

12.1. Мазкур шартномаға ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

12.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишға тарафларнинг келишувига кўра, етказилган зарарни қоплаш шarti билан йўл қўйилади.

12.3. “Ижрочи”нинг айби билан ишларнинг бориши тўхтаб қолса ва ишларнинг тугатилиши шартномада белгиланган муддатдан кечиктирилса, берилган топшириқда назарда тутилган ишлар сифати мавжуд талабларға жавоб бермаса, “Буюртмачи” шартномани бекор қилишға ҳақли.

12.4. “Ижрочи”ға боғлиқ бўлмаган сабабларға кўра лойиҳа ишлари “Буюртмачи” томонидан бир ойдан ошиқ муддатға тўхтатилса, “Буюртмачи” лойиҳалаш ишларининг ҳақини тўлаш имкониятиға эға бўлмаса, “Ижрочи” шартномани бекор қилишға ҳақли.

12.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорға келган томон иккинчи томонға 10 кун олдин ёзма билдиришнома юборади, иккинчи томон 10 кунгача эътироз билдирмаса шартнома бекор қилинган ҳисобланади.

## **13. Шартноманинг алоҳида шартлари**

13.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

13.2. “Ижрочи” лойиҳани “Буюртмачи”нинг ёзма руҳсатисиз, бирон-бир учинчи томонға бериш ҳуқуқиға эға бўлмайди.

13.3. Мазкур шартномаға барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

13.4. “Буюртмачи” билан “Ижрочи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишиға олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномаға қўшимчалар ва/ёки ўзгартиришлар киритиш орқали ёзма равишда тасдиқлашлари керак.

13.5. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун

хужжатлари нормалари қўлланилади.

13.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### “БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари  
агентлиги марказий аппарати  
100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 11  
«Марказий банк» Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси ИФУТ 84111,  
МФО 00014, СТИР 207 323 290  
ХС 23 402 000 300 100 001 010  
Молия вазирлиги ғазначилиги  
амалиёт бошқармаси  
Ғазна ХС 23 402 000 300 100 001 010  
“Марказий банк” Тошкент ш. Бошқармаси  
МФО 00014  
СТИР 201122919



Директор

А.З.Саъдуллаев

#### “ИЖРОЧИ”

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси

100011, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси,  
11А  
«Ўзмилий банк» Бош амалиёт бўлими  
МФО 00407, СТИР 207 280 505  
Х/р 20 212 000 600 901 959 001



Директор

Х.Ф.Саттаров

юрис  
Х.Н. А.Хасанов  
(Хужжатни хулоса б-и)

**Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш,  
ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига қўмаклашиш, уларнинг  
ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида амалга  
ошириладиган иш ва хизматлар\***

№	Йўналишлар	Амалга ошириш муддати.	Изоҳ
1.	Лойиҳаларни амалга ошириш учун зарурий талаблар	15.12.2022 йилга қадар	<p>а) замонавий архитектура ечимлари ва стандартлари асосида барпо этилган, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун қулай жойлашув ва имкониятларга эга бино ўзбек ва хорижий тилларда нашр этилган китоблар билан таъминланган, тақдимот, тренинг, маҳорат дарслари тадбирлари ўтказиш учун зарур техник жиҳозлар (йилнинг ҳар қандай фаслида ташриф буюрувчилар учун қулдайлик яратиш мақсадида иситиш ва совитиш мосламалари, тақдимотлар ўтказиш учун зарурий воситалар – экран, интерактив доска, овоз кучайтиргич, аудиовизуал воситалар, китоб жавонлари, буюк аждодларимизнинг бой илмий-маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ҳамда ёшларни илм олишга чорлаш мақсадида юртимиздан етишиб чиққан алломалар тасвири туширилган тарғибот материаллари ва б.) билан таъминланган, мутолаа, ҳордиқ, овқатланиш, интернет тармоғига уланган (wi-fi), учрашув, конференция, тақдимот, ўтказиш имкониятига эга хоналари мавжуд, бир пайтнинг ўзида қабул қилиш сифими камида 50 кишини ташкил қилиши лозим.</p> <p>б) ташкил қилинадиган тадбирларни юқори савияда ўтказиш мақсадида, учрашув, конференция, тақдимот ўтказиш имкониятига эга хоналар, юқори сифатли мебел жиҳозлар тўплами, юқори сифатли хизмат кўрсатиш персонал мавжуд бўлиши лозим. Бино учун талаб этилаётган кўрсаткичлар (сифат, сақлаш, персонал ва б.) учун харажатлар лойиҳани ўтказиш учун тақдим қилинадиган маблағлар доирасида ижрочи томонидан копланеди.</p> <p>Лойиҳа ўтказиладиган манзил Тошкент шаҳри марказида, худуднинг исталган нуқтасидан етиб келиш учун қулай (жамоат</p>

			<p>транспорти ва б. ёрдамида) бўлиши лозим.</p> <p>г) лойиҳаларнинг кенг ёшлар жамоаси ўртасида оммалашувини таъминлаш мақсадида ёшлар орасида оммабоп асарларни чоп этиш тажрибасига эга нашриёт мутасаддилари, китоб муаллифлари, ҳаммуаллифлари, таржимонлари, муваффақиятга эришган, етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер ва менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари, маданият, санъат, спорт соҳаси вакиллари каби таниқли шахслардан бири ёки бир нечтасининг лойиҳада иштирокини таъминлаш.</p> <p>Лойиҳада иштирок этиши кўзда тутилган таниқли шахслар ўз соҳасида билим ва тажрибага эга, муваффақиятга эришган, ижтимоий тармоқларда фаол ва ижобий аудиторияга эга, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тақиқланмаган фаолият турига (контент, аудитория ва ҳ.к) эга бўлиши лозим.</p> <p>Лойиҳа доирасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ижрочи томонидан буюртмачига ҳисобот тақдим қилиб борилади.</p>
2.	<p><b>Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш мақсадида ёшларнинг бўш вақтларида мутолаа билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, уларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида китоблар жамланмаси билан таъминлаш</b></p>	15.12.2022 йилга қадар	<p>Лойиҳанинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш ва ёшларнинг китобхонликка, илм олишга бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида танлов ўтказиладиган манзил иқтисод ва молия (Economics and finance), бизнес ва бошқарув (Business and management), компьютер ва ахборот технологиялари (Computing and I.T.), ҳуқуқшунослик (Law), премиум ва махсус буюртма асосидаги китоблар (Premium mass category), бадиий адабиёт – жиноят, фантастика ва б. (Fiction - crime, mystery and fantasy), шахсий ривожланишга оид (Self - help and personal development), хорижий тилларни ўрганиш (Language teaching), математика ва аниқ фанлар (Math and Science) ва бошқа (Other) мавзуларга оид 10 000 донa китоб билан таъминланади.</p>
3.	<p><b>Китоб мутолаасини ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида янги нашр қилинган китоблар тақдимотини ташкиллаштириш</b></p>	15.12.2022 йилга қадар	<p>15.12.2022 йилга қадар 4 (тўрт) мартаба ёшлар орасида оммабоп асарларни чоп этиш тажрибасига эга нашриётлар, муаллифлар, таржимон ва бошқалар иштирокида китоблар тақдимоти, муҳокамасига бағишланган давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилади.</p> <p>Тадбирлар доирасида:</p>

			<ul style="list-style-type: none"> <li>- тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.);</li> <li>- лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокини таъминлаш, қатнашчилар учун эсдалик совғалар тақдим қилиш;</li> <li>- ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиш ишлари амалга оширилади.</li> </ul>
4.	Ёшлар ўртасида саводхонлик, маҳоратини ошириш мақсадида Мунозара клуб лойиҳаси фаолиятини йўлга қўйиш	15.12.2022 йилга қадар	<p>15.12.2022 йилга қадар 4 (тўрт) маротаба юқори нуфузга эга, мувафақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокида ёшлар билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилади.</p> <p>Тадбирлар доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.);</li> <li>- лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокини таъминлаш, қатнашчилар учун эсдалик совғалар тақдим қилиш;</li> <li>- ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиш ишлари амалга оширилади.</li> </ul>
5.	Ёшларнинг ишбилармонлигини кўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз соҳасида мувафақиятга эришишларига кўмаклашиш ва ташаббусларини кўллаб-қувватлаш мақсадида “ишбилармон ёшлар” лойиҳасини йўлга қўйиш	4 маротаба. 15.12.2022 йилга қадар	<p>15.12.2022 йилга қадар 4 (тўрт) маротаба “Ишбилармон ёшлар” лойиҳаси доирасида соҳа мутахасссларини жалб қилган ҳолда (етакчи тадбиркор, иш берувчилар ва б.) ёшлар билан давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилади.</p> <p>Тадбирлар доирасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.);</li> <li>- лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокини таъминлаш, фаол ёшлар учун етакчи тадбиркорларнинг тренинг, ўқув, дарсларига қатнашиш имкониятини тақдим қилиш;</li> <li>- ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиш ишлари амалга оширилади.</li> </ul>
6.	Хорижда ва юртимизда ёшлар орасида катта шуҳрат қозонган, илм-фан, тадбиркорлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳасида улкан мувафақиятга эришган	15.12.2022 йилга қадар	<p>Мазкур бурчак лойиҳа ўтказиладиган манзил кириш қисмига ўрнатилади.</p> <p>Ушбу бурчакда мамлакатимизда фаолият юритаётган юқори нуфузга эга шахслар (мувафақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли</p>



	<p>нуфузли шахсларнинг ҳаёт йўли, муваффақият тарихи ҳамда улар томонидан ёшлар ўқиши учун тавсия этилган китоблар рўйхати ва бурчаги ташкил қилиш</p>		<p>соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар бўлиши мумкин)дан бири ёки бир нечтаси томонидан тавсия қилинган ва/ёки имзо/дастхатлари туширилган китоблар жамланмаси ўрин олиши режалаштирилган.</p> <p>Ушбу бурчак:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- китоблар сақлаш учун жавон;</li> <li>- нуфузли шахслар ҳақида маълумот;</li> <li>- “Меҳмонлар китоби” бурчаги каби тўпландан иборат бўлади.</li> </ul>
7.	<p>Лойиҳа тарғиботи учун видеоролик тасвирга олиш ва эфирга узатиш</p>	<p>1 дона. 15.12.2022 йилга қадар</p>	<p>Видео материални тасвирга олиш учун куйидаги минимал техник талабларга жавоб берувчи техник воситалардан фойдаланилади: Видеоформат 4К, 16:9 формат, 25 bitrate ва ундан юқори. Овоз бўйича талаблар: AAS форматдаги 320 kb/S - стерео сифатда ва ундан юқори. Видеоролик учун танланган мусиқа (агар бўлса) муаллифлик ҳуқуқи асосида бўлиши; Тасвирга олиш учун режалаштирилган ускуналар ҳақида маълумотлар тақдим қилиниши лозим. Видео материал Буюртмачи ва Бажарувчи ўртасидаги шартнома кучга киргунга қадар, шунингдек, Буюртмачига тақдим этилгунга қадар ОАВ ва бошқа воситалар орқали оммага эълон қилинмаган, тарқатилмаган бўлиши талаб этилади. Видео маҳсулотда буюртмачининг логосини жойлаштирилиши талаб этилади.</p>

\* - Ушбу хизматлар бажарилганлиги тўғрисида Ижрочи томонидан Буюртмачига ҳисобот тақдим этиб борилади.

### “БУЮРТМАЧИ”

Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги



Директор

А.З.Саъдуллаев

### “ИЖРОЧИ”

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси



Директор

Х.Ф.Саггаров

**Ёшлар саводхонлигини ошириш, улар ўртасида китобхонликни оммалаштириш,  
 ёшларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш, уларнинг  
 ишбилармонлиги ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш лойиҳаси доирасида амалга  
 ошириладиган хизматлар бўйича  
 САРФ-ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ\***

Т/р	Харажатлар номи	Жами суммаси
<b>И. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган (консултатив хизмат ва ҳоказо) харажатлар</b>		
1.1	Лойиҳа раҳбари иш ҳақи	22 000 000
1.2	Лойиҳа координатори иш ҳақи	18 000 000
1.3	Лойиҳа координатори иш ҳақи	18 000 000
1.4	Лойиҳа ҳисобчиси иш ҳақи	18 000 000
<b>Жами:</b>		<b>76 000 000</b>
<b>II. ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИШ УЧУН ХАРАЖАТЛАР</b>		
<b>2.1</b>	<b>Китоб мутолаасини ёшлар ўртасида оммалаштириш мақсадида янги наشر қилинган китоблар тақдимотини ташкиллаштириш</b>	<b>72 000 000</b>
2.1.1	<i>Тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.)</i>	<i>18 000 000</i>
2.1.2	<i>Ҳар бир лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокчини таъминлаш, қатнашчилар учун эсдалик совгалар тақдим қилиши</i>	<i>18 000 000</i>
2.1.3	<i>Ёшлар орасида оммабон асарларни чоп этиши тажрибасига эга, муваффақиятли наشريётлар, муаллифлар, таржимон ва бошқалар иштирокчини таъминлаш</i>	<i>18 000 000</i>
2.1.4	<i>Ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиши</i>	<i>18 000 000</i>
<b>2.2</b>	<b>Ёшлар ўртасида саводхонлик, нотиклик маҳоратини ошириш мақсадида Мунозара клуб лойиҳаси фаолиятини йўлга қўйиш</b>	<b>72 000 000</b>
2.2.1	<i>Тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.)</i>	<i>18 000 000</i>
2.2.2	<i>Ҳар бир лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокчини таъминлаш, голибни аниқлаш ва эсдалик совгалар билан тақдирлаш</i>	<i>18 000 000</i>
2.2.3	<i>Юқори нуфузга эга, муваффақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокчини таъминлаш</i>	<i>18 000 000</i>
2.2.4	<i>Ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиши</i>	<i>18 000 000</i>
<b>2.3</b>	<b>Ёшларнинг ёшлар ишбилармонлигини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз соҳасида муваффақиятга эришишларига кўмаклашиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш мақсадида “ишбилармон ёшлар” лойиҳасини йўлга қўйиш</b>	<b>72 000 000</b>
2.3.1	<i>Тарғибот воситалари (плакат, баннер, декоратив предметлар ва ҳ.к.)</i>	<i>18 000 000</i>
2.3.2	<i>Ҳар бир лойиҳа доирасида 50 нафар ёшлар иштирокчини таъминлаш, фаол ёшлар учун етакчи тадбиркорларнинг пулли тренинг, ўқув, дарсларига қатнашиши имкониятини тақдим қилиши</i>	<i>18 000 000</i>
2.3.3	<i>Юқори нуфузга эга, муваффақиятга эришган етакчи ишбилармон, тадбиркор, спикер, менторлар, илм-фан, адабиёт соҳаси намоёндалари, турли соҳа етакчилари (раҳбарлар), йирик компания (иш берувчилар) вакиллари иштирокчини таъминлаш</i>	<i>18 000 000</i>
2.3.4	<i>Ўтказилган лойиҳалар натижаси юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқлар учун ҳисобот-тақдимот ролиги тайёрлаш ва эфирга узатиши</i>	<i>18 000 000</i>

<b>Жами</b>		<b>216 000 000</b>
<b>III. Моддий-техник базани (ускуна, техника, объект ва х.к.) мустаҳкамлаш учун харажатлар</b>		
3.1	Ёшлар ўртасида китобхонликни кенг оммалаштириш ҳамда “Китобсевар миллат” умуммиллий ғоясини рўёбга чиқариш мақсадида ёшларнинг бўш вақтларида мутолаа билан шуғулланишлари учун шароит яратиш, уларнинг китоб мутолаасига бўлган қизиқишларини орттириш мақсадида <b>китоблар жамланмаси</b> билан таъминлаш	350 000 000
3.2	Хорижда ва юртимизда ёшлар орасида катта шуҳрат қозонган, илм-фан, тадбиркорлик, адабиёт, санъат ва маданият соҳасида улкан муваффақиятга эришган нуфузли шахсларнинг ҳаёт йўли, муваффақият тарихи ҳамда улар томонидан ёшлар ўқиши учун тавсия этилган китоблар рўйхати ва бурчаги ташкил қилиш	80 000 000
<b>Жами</b>		<b>430 000 000</b>
<b>IV. Ўқув-услубий, промо материалларини харид қилиш, реклама учун харажатлар</b>		
4.1	Лойиҳа тарғиботи учун видеоролик тасвирга олиш ва эфирга узатиш	80 000 000
<b>Жами:</b>		<b>80 000 000</b>
<b>V. Бошқа (хизмат сафари, алоқа, банк ва ҳкз.) харажатлар</b>		
5.1	Банк хизмати ва бошқа харажатлар	15 000 000
5.2	Овқатланиш, транспорт, хизмат сафари меҳмонхона ва бошқа харжатлар	15 000 000
<b>Жами:</b>		<b>30 000 000</b>
<b>ЖАМИ (I+II+III+IV+V)</b>		<b>832 000 000</b>

\* - Мазкур харажатларга белгиланган жами маблағдан (832 000 000 сўм) олмаган ҳолда ўзгартириш киритиш мумкин.

**“БУЮРТМАЧИ”**

Ўзбекистон Республикаси  
Ёшлар ишлари агентлиги



Директор

А.З.Саъдуллаев

**“ИЖРОЧИ”**

“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси



Директор

Х.Ф.Саггаров

**2022 йил 23 ноябрдаги шартнома лойиҳасининг амалдаги  
қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан  
ҲУҚУҚИЙ ХУЛОСА**

**Шартнома тури:** ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш.

**Шартнома тарафлари:** Ёшлар ишлари агентлиги ва “Ёшлар-келажагимиз” ННТ.

**Шартномани тузишга асос:** Ёшлар ишлари агентлиги директорининг “Ёшлар ишлари агентлиги директорининг айрим буйруқларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги 2022 йил 28 октябрдаги 01-10/322-сон буйруғи, Ёшлар ишлари агентлиги Харид комиссиясининг энг яхши таклифларни танлаш бўйича 173594-сон лот бўйича 18.11.2022 йилдаги баёни.

**Шартноманинг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги:**

1. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг “Ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш” деб номланган 38-боби қоидалари билан тартибга солинади.

2. Шартномада унинг предмети, тарафларнинг мажбуриятлари, хизматларни кўрсатиш муддатлари ва тартиби, хизматлар қиймати ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби, коррупцияга қарши қоидалар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги ПФ-6313-сон Фармони 3-бандига мувофиқ), тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал қилиш тартиби, форс-мажор ҳолатлари, шартноманинг амал қилиш муддати ва бекор қилиш тартиби, тарафларнинг реқвизитлари белгиланган.

Ёшлар ишлари агентлиги Юридик бюроси томонидан ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш натижаларига кўра

**ХУЛОСА:**

2022 йил 23 ноябрдаги шартнома лойиҳаси амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ тахрирда тузилган.

Ушбу хулоса шартноманинг суммасига, Ижрочи томонидан кўрсатиладиган хизматлар ва товарларнинг қиймати бозор нархларига мувофиқлиги ёки мувофиқ эмаслиги масаласига татбиқ этилмайди ва Юридик хизмат ушбу масала юзасидан жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

**Юридик бюро бошлиғи**



**А.Халиков**

2022 йил 23 ноябрь